<i>Abduvasieva Mahmuda Khamidullo qizi</i> UNIQUE ASPECTS OF THE CHINESE EDUCATION SYSTEM	477-483
<i>Boboqulov Chori Urolovich</i> PEDAGOGICAL PROBLEMS IN THE FORMATION OF MENTAL ABILITIES IN PRIMARY CLASS STUDENTS AND THEIR SOLUTION	484-489
<i>Esanova Gulchehra</i> PRINCIPLES AND METHODS OF PHYSICAL TRAINING OF YOUNG FOOTBALL PLAYERS	490-497

Received: 22 April 2024

Accepted: 1 May 2024

Published: 10 May 2024

Article / Original Paper

EXPRESSION OF CRIMES AGAINST HUMAN RELATIONS AND MORALITY IN "AVESTO"

Turgunov Murodjon

Director of the State and Law Institute of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan,
Doctor of Legal Sciences, Associate Professor

Abstract. In this article, the concept, essence, types and responsibility for crimes against human relations and morals in "Avesta" are highlighted. Also, in the article, we can see how in the "Avesta" crimes against morality and the punishment system for them are presented in a sequence based on coherence, as well as a comparative analysis of the crimes that correspond to our national legislation in this regard.

Key words: crime against morals, good opinion, ordalia, visparad, dualism, vandidod.

“АВЕСТО”ДА КИШИЛАР ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИГА ВА ОДОБ-АХЛОҚҚА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Турғунов Муроджон Турсунбоевич

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институтининг
директори, юридик фанлар доктори, доцент

Аннотация. Ушбу мақолада “Авесто”да инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга ҳамда одоб-ахлоққа қарши жиноятларнинг тушунчаси, мазмун-моҳияти, турлари ва улар учун жавобгарлик ёритилган. Шунингдек, мақолада “Авесто”да шахсларнинг ўзаро муносабатларидаги ҳамда ахлоққа қарши жиноятлар ва улар учун жазо тизими узвийлик асосида кетма-кетликда қандай келтирилганлигини ҳамда бу борадаги миллий қонунчилигимизга тўғри келадиган жиноятларнинг қиёсий таҳлилини кўришимиз мумкин.

Калит сўзлар: ахлоққа қарши жиноят, яхши фикр, ордалия, виспарад, дуализм, вандидод.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I5Y2024N43>

Кириш. Қадимги аждодларимиз ҳақиқат, яхшилик, ёмонлик, адолат, ҳақсизлик, чин, ёлғон, гўзаллик, хунуқлик кабиларни англаш ва уларга муносабатда реал ҳаёт, табиат ва албатта ўз қалблари билан ўта зич ва яқин алоқада бўлганлар. Аввало, оддий ёруғлик ва қоронғуликнинг эзгулик ва разолат ҳақидаги фалсафий-ахлоқий тимсолга айланиб, яхшилик ва ёмонликнинг эстетик меъёрига айланиши узоқ ўтмишда ўлкамизда яратилган юксак цивилизациянинг маънавий асосларини ташкил этган. Ушбу маънавий дунё милоддан аввалги II минг йиллик давомида ибтидоий даврлардан бошлаб йиғилган маънавий тажрибалар, ҳаётнинг ибрат дурдоналари жамланган ва тизимга тушира бошланди. Ниҳоят, илк давлатчилик ижтимоий-иқтисодий жараёнларининг мафкуравий, фалсафий, эстетик асослари сифатида “Авесто” китобида мужассам бўлди [1].

Муҳокама. Зардуштийлик таълимотига кўра, ёлғон гапириб гувоҳлик бериш, бировни алдаш гуноҳ, яъни жиноят ҳисобланган: “Ёлғон гапириб тирик қолгандан кўра, рост гапириб ўлган яхши”, дейилади “Авесто”да.

Зардуштийлик таълимотида ростлик ва ҳақиқат учта маънавий-ҳуқуқий таянчга асосланади: эзгу фикр, эзгу калом (сўз), эзгу амал (иш). Зардушт давлатни адолатли қонунлар асосида бошқариб, бу учликка амал қилган киши ёлғончилик ва адолатсизлик пешвоси Ахриман (Анхура-Ману)нинг мағлубиятга учрашига ишонса, қалби ҳаддан зиёда покиза бўлади, деб уқтиради: “Мен яхши фикр, яхши сўз, яхши ишга шон-шавкат бахш этаман. Мен яхшиликдан иборат Ахура Мазда қонунига шон-шавкат бахш этаман”.

Демак, “Яхши фикр”, деганда илоҳий қонун руҳидаги яқин кишисига меҳрибон бўлиш, муҳтожларга кўмаклашиш, ёвузликка қарши курашишга доим тайёр туриш, кишиларнинг бахт-саодати учун ҳаракат қилиш, аҳиллик ва дўстлик, тотувликда яшашга интилиш каби ниятлар ва фикрлар мусаффолиги тушунилган. Яхши ниятли киши дарғазаб бўлмайди ва жаҳолатга берилмайди. Агар жаҳолатга берилса инсон яхши ниятини йўқотади, бурч ва адолат ҳақида ўйламай, ножўя ҳаракатлар қилиши мумкин.

Зардушт таълимотининг муҳим томони шундаки, у ижтимоий тузумга қарши курашиш имкониятини, бунда ҳам руҳ, ҳам инсон ўз йўлини танлаш лозимлигини баён этади. Мазкур ғоя буюк “Шоҳнома”да ҳам ўз аксини топган [2].

Ахура Мазда яратган қонунларга кишилар қатъий амал қилсалар, ҳақиқат (адолат) ва эзгулик ёвузлик устидан тантана қилиб бораверади, дейилади. Мамлакат хавфсизлигини сақлаш учун, Ахура Мазда қонунларига садоқатли, адолатли, сўзи эзгулик бўлганга покдомонларга, хушхулқ ростгўйларга ҳомийлик қилиб, ёвузлик, ўғирлик ва ҳасад қилган кишиларни Олий Тангри қаҳрига гирифтор бўлишдан огоҳлантиради:

“Мадҳ этаман эзгу фикрат, эзгу каломни,
Эзгу амал ила эзгу фикрат, эзгу каломни,
Эзгу амални жамий эзгу фикратни,
Эзгу калом, эзгу амалга бағишлайман,

Жумладан ёвуз фикрат, ёвуз калом ва ёвуз амаллардан юз бураман” [3]. “Авесто”да таъкидланганидек, инсон ўлимдан сўнг ўтказиладиган ҳисоб-китобда раббоний зот Рошну марҳумнинг эзгу ва ёвузлик ишларини адолат тарозисида салмоқлаб тортиб кўради. Тарозининг бир палласига марҳумнинг ҳаётлигидаги эзгу фикр, эзгу калом ва эзгу амаллари, яхшилик ва ҳалол ишлари, бошқасига эса ёвузликлари қўйилади. Эзгулик оғирлик қилса, марҳум руҳи арши аълога – жаннатга кўтарилади, ёвузлик палласи оғирлик қилса – дўзахга тушади. Шу жиҳатдан Ахура Мазданинг адолатли қонунларида раббоний зот Митрани улуғлаш, эзгулик қилиш талаб этилади:

“Биз Митрага топинамиз,
У сўзида собитларни,
Лафзи ҳалол кимсаларни,
Фалокатдан сақлағайдир.
Ҳалокатдан сақлағайдир” [4].

Агар уй эгаси, уруғ оқсоқоли, қабила бошлиғи ва мамлакат сардори ёлғончи бўлса, ғазабланган Митра оилани, уруғни, қабилани, мамлакатни ва уларнинг бошлиқларини ҳам бутунлай йўқ қилади:

“Шафқатсиздир гар кимда-ким,
Ёлғончидир, субутсиздир” [5].

“Авесто” да кишиларнинг ўзаро муомала ва муносабатларида берилган ваъданинг устидан чиқиш, мажбурият ва қасамига содиқ қолиш одатий қонун ҳисобланганлигини кўрамиз. Агар қасам ичиб аҳд қилган киши ўз аҳдини бажармаган ёки бузган бўлса, даъвогар ўз ҳақлигини исботлаш учун процессуал нормалардан, яъни Ордалия (синаш ва жазоланиш)дан фойдаланган. Адолатли суд қилиш учун Ордалиянинг 33 усули мавжуд бўлиб, агар сўз қасами бузилса, сув билан синаш, агар шартномага оид бўлса, ўт билан синаш жараёнида, айбдорга ўзининг ҳақлигини исботлашга имкон берилган [6].

Зардуштийлик дининг асосида руҳнинг абадийлиги ва моддийликнинг ҳаётлигини тан олиш, эзгу моддий борлиқни асраш, ривожлантириш, маънавий камолотга интилиш, гўзалликни руҳ ва танга сингдириш ғояси етакчидир. Аммо бу жараён нур ва зулмат, ҳаёт ва ўлим, адолат ва адолатсизлик, яхшилик ва ёмонлик, гўзаллик ва хунуклик, эзгу фикр ва ёвуз ният ўртасидаги азалий курашдан иборат. Бу кураш эса, абадий эмас. У инсоният имонининг камолот нуқтасида эзгулик ғалабаси билан тугайди. Ахриман ва унинг ёвузликлари ҳамда бунга хизмат қиладиган барча қора кучлар барҳам топади. Оламда тана ва жон (руҳ)нинг қарама-қаршилиги бор, одам ахлоқи эса яхши ва ёмон хулқ-одатлар курашувидан иборат. Олам ва одам ҳаёти қарама-қарши томонлар ва улар ўртасидаги зиддиятлар туфайли ўзгаради, ривож топади. Зардушт таълимотича, оламда ёвузлик, ёмонлик бўлмаслиги учун одамлар иймон-эътиқодли, инсофли ва диёнатли бўлиши керак. Шунда эзгулик ёмонлик устидан ғалаба қозонади, жамиятда адолат, ҳақиқат қарор топиб, одам эркин ва фаровон яшайди [7].

Зардуштнинг буюк хизмати шундаки, у динни том маънодаги маънавий-ахлоқий асосга қурди. “Зардушт, – деб ёзади доктор Ризоий, – дунё тарихида мазҳабни сеҳру жодугарликдан, зоҳирий удум ва маросимларни кўр-кўрона бажаришдан, мавҳумлик ва хурфотдан халос қилган ва уни ахлоқ поясида устувор этган биринчи шахсдир” [8]. Ҳақиқатда ҳам у ахлоқ меъёрини ҳаётнинг мезони деб билди ва баний башарга яхши иш ва яхши хулқу амал оламни ҳам, одамни ҳам безайди, деб тушунтирди. Инсон аслида озод ва эркин, унинг яшаши, руҳияти, ижодий интилиши меҳнатига ҳамроҳ ва пайваст бўлади. Бу дин тарафдорлари дунёдаги барча мазҳабларга, эҳтиром билан қарайдилар, ўзга диндагиларнинг иззат-нафсини эъзозлайдилар. Зероки, маздапарастликда инсоннинг қадр-қиммати, мартабаси назру ниёзи ва қурбонлик қилиши билан эмас, жаҳолат ва зулмга мардонавор қарши кураши, амалда собитқадамлиги билан белгиланади. Зардушт ваъзларидан бирида ўқиймиз: “Эй, ватандошларим! Эй, маздапарастлар, қариндош-уруғларим! Ахурамаздо эҳсон ва хушбахтликка етмоқ учун ягона Тангрига юзланинг! Эй, парвардигор, ҳаммамиз сенинг номаларингнинг пайғамбарлари бўлайлик. Сенинг ва сен кўрсатган тўғри йўл душманларини ўзимиздан йироқлаштирайлик”. Эй, девпараст гумроҳлар! Сиз ва ҳамроҳларингиз фикри бузуқ ва қалби қора гуруҳларсиз. Сизлар кўпдан бери етти иқлимда бадхулқликни тарқатиб келмоқдасиз. Сизлар бадбинлик билан ном қозонгансиз ва танилгансизлар” [9]. “Эй, Ахурамазда! Гумроҳлар ва ёлғонпарастлар халқнинг ростлик сари боришларини истамайдилар ҳамда уларнинг ўз юрти ва шахрини обод қилиши йўлидаги заҳматдан қайтаришни истамайдилар. Уларнинг қилмиши қабоҳат ҳамда вайронгарчиликдан иборат. Кимда ким руҳан ҳамда жисман уларга қарши оёққа турса, рост йўл ва

Ахурамаздо дини томон қадам қўяди”. Бундай таъкиду даъватлар хотлар ҳақидаги Виспарадда бот-бот учраб туради.

Зардушт фалсафасининг асосий жиҳатларидан яна бири ҳақиқатпарастлик ва маърифатпарварликдир. Шунинг учун хотлар бошдан охиригача дониш ва маърифат зиёси билан йўғрилган. Унингча, инсон ҳар жиҳатдан билимли бўлмоғи, жаҳонни тўғрилиқ билан танимоғлигини идрок этмоғи даркор. У яхшини ёмондан, гўзалликни хунукдан, сарани носарадан, покни нопокдан, донони нодондан ажрата билмоғи даркор. “Инсонни ҳирадманд, тилу забонли қилиб яратган Тангрига олқишлар бўлсин! У инсонни ёмонликка қарши курашсин, уни нест-нобуд этсин, деб барча мавжудотга раҳбар ва сарвар этди”. Шуниси характерлики, янги дин пешвоси қишиларни ҳамиша ростлик ва тўғрилиқ йўлини тутишга ундар экан, инсон ҳаёти ва юрт равнақини таназулга элтадиган ёлғон ва қинғир иш тарафдорларига қарши дадил курашга чақиради. Хотларда яна ўқиймиз: “Ёлғон тарафдорлари одамларни ростлик сари интилишларига йўл қўймайдилар. Улар кишиларнинг ўз тирикчилигини ривожлантиришга, шаҳару қишлоқларини ободонлаштиришга тўсқинлик қиладилар. Бундайларнинг иши тескари ҳамда вайронагарчиликдан иборатдир. Эй Мардум! Фирибгарлар сўзига асло қулоқ солманг. Чунки улар ростлик тарафдорларининг душманидир. Жаҳон ободлиги учун курашиш лозим. Уни дурустлик билан нигоҳбонлик қилиш зарур. Оламни рўшнолик сари элтмоқ барча бандалар учун фарздир” [10].

Зардуштийлар ақидасича, инсон пайдо бўлгандан бери одамзод андишасида икки гавҳар пайдо бўлган, бири андишада гуфтору кирдорда яхшилик бўлса, иккинчиси андишада, кирдору гуфтордаги ёмонликдир. Доно ана шу гавҳардан яхшиликни интихоб этади, нодон эса, ёмонликни танлайди. Ана шу икки гавҳар бир-бирига пайваст бўлганда, борлиқ ва йўқлик, ҳаракат ва сукунат пайдо бўлади. Натижада ёмонлик ва таназулга бадҳоҳлар тарафдорлик қилса, мавжудият ва беҳрўзликни яхшилик тарафдорлари қўллашади.

Шунинг учун барча одамлар “андешаи нек”, “гуфтори нек” ҳамда “кирдори нек” га юз тутиб, “андешаи бад”, “кирдори бад” ва “гуфтори бад”дан юз ўгириб яшамоқлари, бирининг ҳамиша барқарорлигини, иккинчисини эса маҳкумлигини таъминлаш учун курашмоқлари зарур. Зероки уларнинг бирида одам олам камолоти инъикос этса, иккинчисида инсон ва ҳаёт разолати намоён бўлади. “Авесто”да ана шу мезоннинг назарий ва амалий жиҳатларининг мукамал таснифи берилган ҳамда ҳар бир маздапарастнинг ҳаётида, ишида ва амалда уларни бажариш, ахлоқ меъёрларига риоя қилиш йўл-йўриқлари кўрсатилган:

1. Андешаи нек: Тангрининг ягоналигига ишонмоқ, имонда собитлик, таваккул, қаноат, хайрихоҳлик, меҳрибонлик, ҳақ танимоқ, сулҳгўйлик, кечиримли бўла билиш, ошночилик, шижоатлилик, раҳмли ва муруватли бўлмоқ, поктийнатлик, инсоф, хушхулқилик, беозорлик, очикюзлик, эҳсонлилик, нафсни чегаралаш, касб ва илмни севмоқ, масъулиятлилик ва ҳақиқатпараст бўлмоқдан иборат;

2. Гуфтори нек : ягона Тангрига ҳамду-сано айтмоқ, тўғри сўзлик, аҳдида собитлик, ҳақгўйлик, салом ва таъзимда бўлмоқ, тўғри ва рост гувоҳлик бермоқ, ширин каломлик, ўйлаб, синаб гапирмоқ, рост қавмликдан иборат [11].

3. Кирдори нек : Тангри ва пайғамбар буюрган фарз ва суннатларга сўзсиз итоат этмоқ ҳамда уларни бажармоқ, яхши ишлаш, омонатга хиёнат қилмаслик, ожизларни

қўллаш, серғайрат бўлмоқ, ота-она ва устоз ҳукмига фармонбардор бўлмоқ, халқ учун, Ватан учун хизмат қилмоқ, меҳмондўстлик, парҳезкорлик, ёмон ишлардан юз ўгирмоқ, меҳрибонлик, инсонпарварлик, жамият қонунларига итоат этмоқ, ўтганларни эсда тутиш, ҳақиқатталаб бўлмоқ, беморлар ҳолидан хабар олиб турмоқ, муҳтожларга ёрдам бериш, ўз иши ва касбига меҳр қўйиш, адолатли бўлмоқдан иборатдир.

1. Андешаи бад: Хурофотпарастлик, Тангрини танимаслик, куфр, ғурур, бадхоҳлик, душманчилик, ҳақиқатга ишонмаслик, ҳадиксираш, жангарилик, суқ кўзлик, тошбағрилиқ, инсофсизлик, ҳасад, ғаразгўйлик, нафс бандаси бўлмоқ, ҳасислик, дилсиёҳлик, вафосизлик, бадхулқлик, иши ва касбига масъулиятсизлик, нодонлик, парҳезни билмаслик, баҳона талаб бўлмоқ, шаккоклик, гиналик, найрангбозлик, ғафлатга берилмоқдан иборат.

2. Гуфтори бад: Тангрини унутмоқ, ёлғончилик, туҳматчилик, ёлғон гувоҳлик бермоқ, вафосизлик, ваъдада турмаслик, куфр айтмоқ, ноҳақлик, қасамхўрлик, аччиқзабонлик, ўйламай гапирмоқ, нотўғри ҳукмга келмоқдан иборат.

3. Кирдори бадни эса қуйидагилар ташкил этади: худо ва пайғамбарга итоат этмаслик, танбаллик ва ишёқмаслик, ўғрилиқ, қотиллик, кишига озор етказиш, таъмагирлик, ситамгарлик, ҳунарсизлик, билимсизлик, омонатга хиёнат, ҳаромхўрлик, қасд олиш, маккорлик, шошқалоқлик, золим ва бадхоҳларни қўллаш, норавонлик, бадахлоқлик, заифозор бўлмоқ, бузғунчилик ва бошқалар [12].

Ҳаёт, ахлоқ ва маънавиятнинг ана шу мезонларининг барча жиҳатлари Ҳотларда, Зардушт ваъзларида, пайғамбарнинг Тангри билан руҳий мулоқотлари меърож воқеасида ўз аксини топган, мусбат жиҳатлар зардуштийларнинг кундалиқ бажариладиган вазифалари сифатида уқтирилиб, манфий нуқталардан парҳез қилишга даъват этилган. Зардушт ақидасича, ҳар бир инсоннинг қалби пок бўлиб, хулқи хуш бўлса, ҳунар ва илм эгаллаб, бирон ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиб, ризқи рўзи ҳалол бўлса, унинг амали чин бўлади.

“Авесто”да ахлоққа қарши жиноятлар сирасига баччавозлик, фоҳишабозлик, эрхотин хиёнатлари киритилган. Бунда зардуштийликдаги дуалистик даврнинг ахлоқий принциплари ёрқин намоён бўлган [13].

С.П. Толстовнинг “Дуализм” сўзи билан боғлиқ мулоҳазалари қизикарли: “Қадимги Хоразм шаҳар ва қишлоқларининг “дуал тарзида тузилганлиги (яъни, иккига бўлинганлиги), шубҳасиз, “дуал уруғлилик тузуми” анъаналари яхши сақланиб қолганлигидан дарак беради, бу зардуштийлик дини дуализмининг келиб чиқиши учун асос бўлди” [14].

Умуман, зинокорлик ва баччавозликдек қабиҳ (жиноят)га йўл қўйган одам зардуштийлик қонун-қоидаларига мувофиқ ҳеч қандай далил-исботсиз ва гувоҳсиз ҳамда Олий қоҳиннинг ҳукмисиз ўлим жазосига буюрилганлиги айни ҳақиқатдир. Бундай гуноҳқорни ўлдирган кимсанинг гарданида энг катта гуноҳи бўлса-да, у авф этилган. Жумладан, зинокор ва баччавоз одамга қуйидаги жазо турлари қўлланилган:

“– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Агар бир эр бошқа бир эр билан зўрлик асосида баччавозлик қилса, жазоси қандай бўлади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

– Аспаҳиқ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан саккиз юз мартадан саваланади.

– Эй, оламини яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Агар бир эр бошқа эр билан келишган ҳолда баччавозлик қилса, жазоси нечук, товони қандай ва бу булғанч гуноҳдан у пок бўла оладими?

Ахура Мазда жавоб берди:

– Бундай гуноҳ оқланмайди ва унга ҳеч қандай товон ҳам йўқ... [15].

“Авесто” да яна қуйидагиларни ўқиймиз:

“Мен – Ахура Мазда – яратган тўққизинчи сарзамин ва гўзал юрт Гўргондаги Хниктадир.

Шундан сўнг, бутун борлиғи ажал билан йўғрилган Аҳриман келдида кечирилмас гуноҳ бўлган “баччавозлик”ни яратди [16].

Баччавозлик – “Авесто”нинг форсча матнида “кун варзий” деб олинган бу истилоҳнинг ўзбекча шакли вульгар маънони англатади. Ҳамма давру замонларда жамиятнинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлган бу қабих одат бундан уч минг йил бурун дунёга келган “Авесто”да ҳам энг чиркин ҳодиса сифатида қораланади. Масалан, “Авесто”нинг “Вандидод” қисми саккизинчи фаргардининг 31–32 бандида шундай дейилган:

– Эй, оламини яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Дев ким?

Девпараст ким?

Девларнинг эркак ҳамхонаси ким?

Мода дев ким?

Ўз ботинида дев асраган ким у?

Ким у бутун ҳаёти давомида дев кабидир?

Ким у ўлимидан бурун девсиёҳдир, ўлимидан кейин эса девнинг ўзи каби?

Ахура Мазда жавоб берди: – Бир эр бошқа бир эр билан баччавозлик қилса ёхуд бир эр бошқа эрнинг ўзи билан баччавозлик қилишига изн берса девдир.

У девпарастдир.

У девларнинг эркак ҳамхонасидир.

У девларнинг урғочи ҳамхонасидир.

У урғочи девдир.

Ўз ботинида дев асраган удир.

Ўша бутун ҳаёти давомида девдек яшаган.

Ўшадир ўлимидан бурун дев каби, ўлимидан сўнг девга айланган зот.

Шудир бир эр билан баччавозлик қилган эрнинг ёхуд ўзи билан бир эрнинг баччавозлик қилишга изн берган кимсидир. Яъни бундай гуноҳкор ҳеч қандай ҳакамнинг дастурисиз ўлдирилади. Гуноҳкорни ўлдирган кимсанинг гарданидаги энг буюк гуноҳи ҳам соқит қилинади [17].

Эркакнинг эркак билан жинсий алоқа қилиши жорий қонунчиликда бесоқолбозлик деб номланиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 120-моддаси билан жинсий жавобгарлик белгиланган. Унга кўра, бесоқолбозлик – эркакнинг эркак билан жинсий эҳтиёжини қондиришга қаратилган ҳар икки томоннинг ихтиёрий ҳаракатларидир.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига асосан бесоқолбозликда зўрлик ишлатиш, қўрқитиш ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиш аломатлари

мавжуд бўлса, айбдорнинг қилмиши жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб, ғайритабиий усулда қондириш (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 119-моддаси) бўлиб ҳисобланади.

Таҳлил этилаётган жиноятнинг объекти жинсий алоқаларнинг қарор топган тартиби ҳисобланади.

Бесоқолбозлик объектив томондан эркакнинг эркак билан жинсий эҳтиёжини ихтиёрий қондиришидан иборатдир. Жиноят жинсий алоқа бошланган дақиқадан эътиборан тугалланган, деб эътироф этилади.

Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади.

Бесоқолбозликнинг иштирокчиларидан бири ўн олти ёшга тўлмаган бўлса, иккинчи иштирокчининг қилмиши унинг фаол ёки пассив роль ўйнаганидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 128-моддаси (ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан ғайритабиий усулда жинсий алоқа қилиш)да кўзда тутилган айблов билан айбланади.

Бесоқолбозликнинг субъекти ўн олти ёшга тўлган, ғайритабиий жинсий алоқа (баччавозлик)нинг фаол ҳам пассив қатнашчиси бўлган шахс ҳисобланади [18]. Шундай қилиб, гомосексуализм (баччавозлик) ўтмишда ҳам ҳозирда ҳам энг оғир ахлоқий жиноят ҳисобланган ва авесто жамиятида ўлим жазоси билан жазоланадиган ягона ахлоқий жиноят ҳисобланган [19].

Шундай қилиб, зардуштийликда дуализм барча мавжуд нарсалар истисносиз эзгуликка ёки ёвузликка тегишли деб тақсимланган ҳолда амал қилади деб эътироф этилган. Бироқ илк зардуштийликдан фарқ қилган ҳолда эзгулик ва ёвузликка ушбу тегишлилик бирор-бир тузатишни истисно этувчи детерминистик тус ола бошлаган. Бинобарин, ушбу мавжудотларнинг эркин танлаш қобилияти ҳам қатъий детерминистик тус ола бошлаган: улар азалдан эзгуликка ёки ёвузликка дастурланган бўлиб чиққан; уларнинг “ирода эркинлиги” эзгулик ва ёвузлик ўртасида танлашда эмас, балки уларга азалдан топшириқ берилган ахлоқий дастур бўйича йўл танлашда амалга оширилган [20].

Авесто жамиятида мавжуд бўлган онаси, синглиси-опаси ёки қизи билан яқин қариндошлик никоҳлари, аксинча, гарчи, тадқиқотчилар амалда унча кўп намоён бўлмаган деб ҳисобласалар ҳам диннинг хизмати деб ҳисобланган [21].

Хулоса. Юқоридаги таҳлиллардан кўришиб турибдики, “Авесто”да жиноят ва жазо масалалари ҳар томонлама тартибга солинган. Бизнинг фикримизча, руҳоний ҳакамларнинг динга эътиқод қилувчилар сони кўпайиши ва жамоанинг этник софлиги сақланиб қолиши ҳақида ғамхўрлик қилиши бунинг сабаби ҳисобланади. Шунинг учун “Авесто”нинг “Вандидод” қисми тўртинчи фаргарди 47-бандида “кимнинг хотини бўлса, у хотинсиз ва дунёдаги фарзандсиз ўтаётган кимсадан яхшироқдир” дейилади. Бундан ташқари, ёрдам кўрсатмаслик ҳам қаттиқ жазоланадиган ахлоқий жиноят ҳисобланган. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунларининг ривожланиш тарихини бевосита мамлакат тарихи билан узвий боғлиқликда кўриб чиқиш лозим. Ўзбекистоннинг тўла давлат мустақиллигига эришиши, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясида демократик республиканинг ижтимоий тизимига оид вазифаларнинг қайд қилиниши, ўз навбатида, республикамиз жиноят

қонунларнинг ривожланиши тарихи масаласига ҳам асосий диққат-эътиборни жалб қилишни талаб қилади.

“Авесто”да кўриб ўтилган шахслар ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ жиноятлар ва одоб-ахлоққа қарши содир этилган жиноятларга берилган жазодан кўзланган мақсад адолатли ҳукм чиқариш учун ҳам асос ҳисобланади, жиноятларнинг олдини олишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади, бу эса жиноят содир этган шахсларни тузалиш йўлига кириши учун асос бўлади десак муболаға қилмаган бўламиз.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Маҳмудов Т. “Авесто”да фалсафий, ахлоқий-эстетик қарашлар // “Авесто” ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. – Тошкент–Урганч, 2001. – Б.11.
2. Жабборов Исо. Юксак маъданият ва ноёб маънавият маскани (тарихий этнографик лавҳалар)/ Исо Жабборов; маъсул муҳаррир А.Р.Мухаммаджонов; С.П.Толстов номидаги Эллиққала тарих-архиология музейи. – Т.: «O`zbekiston» 2012. – Б.79.
3. Авеста: Избранные гимны / Пер. с авест. и коммент. проф. И. М. Стеблин-Каменского; Предисл. проф. В. А. Лившица. – Душанбе: Адиб, 1990. – С. 12.
4. Авеста: Избранные гимны / Пер. с авест. и коммент. проф. И. М. Стеблин-Каменского; Предисл. проф. В. А. Лившица. – Душанбе: Адиб, 1990. – С. 59.
5. Авеста: Избранные гимны / Пер. с авест. и коммент. проф. И. М. Стеблин-Каменского; Предисл. проф. В. А. Лившица. – Душанбе: Адиб, 1990. – С. 60.
6. Бобоев Ҳ., Дўсжонов Т., Ҳасанов С. “Авесто” – Шарқ халқларининг бебаҳо ёдгорлиги. ТМИ. – Т., 2004. – Б.20.
7. Облоқулов С. “Авесто”нинг фалсафий таҳлилига доир // “Авесто” ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. – Тошкент–Урганч: “Фан”, 2001. – Б.14.
8. Ҳомидов Ҳамиджон. “Авесто” файзлари / Илмий муҳаррир: Н. Комилов. – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2001. – Б.29.
9. Ўша асар. –Б. 29–30.
10. Ҳомидов Ҳамиджон. “Авесто” файзлари / Илмий муҳаррир: Н. Комилов. – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2001. – Б.30.
11. Ҳомидов Ҳамиджон. “Авесто” файзлари / Илмий муҳаррир: Н. Комилов. – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2001. – Б.31.
12. Ҳомидов Ҳамиджон. “Авесто” файзлари / Илмий муҳаррир: Н. Комилов. – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2001. – Б.31–32.
13. Саидов А. “Авесто” – Ўрта Осиё сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг асосий манбаи // “Авесто” ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. – Тошкент-Урганч: “Фан”, 2001. – Б.9.
14. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. - Т.: “Шарқ”, 2001. - Б.119. Маҳмудов Т. “Авесто” ҳақида. – Т.: “Шарқ”, 2000. –Б. 11.
15. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: “Шарқ”, 2001. – Б.139.
16. Ўша ерда. –Б. 108.
17. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. – Б.139.
18. Рустамбоев М. Х. ва бошқ. Жиноят ҳуқуқи. – Б.106.
19. Ртвеладзе Э. В., Саидов А. Х, Абдуллаев Е. В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. –Б. 218.
20. Ртвеладзе Э. В., Саидов А. Х, Абдуллаев Е. В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Б.179.
21. Гамбаров С. Г. Политические и правовые идеи в Авесте. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Баку, 1992. – С. 15–17.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 5 (4) – 2024

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).